

Соғлиқни сақлаш ва ҳаёт фанлари бўйича

EUROUZ қўмитасининг очик давра сұхбати

Сана: 16 апрель, 2024 йил

Ўтказилиш жойи: 1-қават, Халқаро савдо маркази (ITC), Амир Темур шоҳ кўчаси, 107, Тошкент, Ўзбекистон. Мўлжал: оқ арка, УзЕхпоМарказ, Кўргазма 39.

Вақт: 15:00-17:30

Тил: ўзбек, рус тиллари (кетма-кет таржима мавжуд)

Иштирокчилар: Хусусий сектор вакиллари, соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат ташкилотлари, Ўзбекистон парламенти вакиллари, тадқиқот ва таҳлил марказлари

Рўйхатдан ўтиш ҳаволаси:

<https://eurouz.glueup.com/event/open-round-table-of-the-eurouz-committee-on-healthcare-and-life-sciences-104988/>

Кун тартиби:

“Соғлиқни сақлаш ва ҳаёт фанлари” EUROUZ давра сұхбати доирасида Ўзбекистонда фармацевтика саноати ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва сертификатлаш тизимини ривожлантириш масалаларини, фармакологик назорат тизими, дори воситалари нархини дерегуляция жараёни ва интеллектуал мулк масалалари муҳокама қилиш кўзда тутилган, хамда Европа компанияларининг Ўзбекистонда ушбу соҳада ютуқларга эришишдаги жорий ва потенциал ролига эътибор қаратилади. Иштирокчилар, шунингдек, тиббий суғуртанинг ривожланиш истиқболи ва жараёнлари, қўмита таркибига кирувчи компаниялар ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат ташкилотлари ўртасида ҳаёт фанлари соҳасидаги EUROUZ қўмитаси орқали хусусий ва давлат секторлари ўртасидаги ҳамкорликнинг салоҳияти ва янги механизмларини, шунингдек, ушбу ҳамкорликдан кутилаётган натижалар муҳокама этилади.

1. Ташкилотчиларнинг кириш сўзлари:

- EUROUZ вакилидан кириш сўзи;
- Қўмита раиси томонидан кириш сўзи, давра сұхбати мақсадлари бўйича қичқача маълумот;
- “Тараққиёт стратегияси” Маркази Ижрочи директори кириш сўзи;
- Прогрессив ислоҳотлар Маркази директори кириш сўзи

2. Саломлашув сўзи:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси саломлашу сўзи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваъкили саломлашу сўзи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директорининг саломлашу сўзи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази директори саломлашу сўзи.

3. Давра сухбати муҳокама мавзулари:

- Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва сертификатлаш, шунингдек, ушбу жараёнларни қайта кўриб чиқишдаги саволлар ва муаммолар. Европа Иттифоқининг дори воситаларини рўйхатга олиш соҳасидаги етакчи экспертлари ва Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари ва мутахассислари ўртасида тажриба алмашишни ташкил этишда Европа Иттифоқи дипломатик ваколатхоналари томонидан ёрдам кўрсатиш;
- Қўмитанинг Ўзбекистоннинг давлат ташкилотлари ва назорат қилувчи органлари билан дори воситаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган фармакологик назорат тизимини яратишда ҳамкорлиги. Европа Иттифоқининг етакчи экспертлари ўртасида фармакологик назорат соҳасида тажриба алмашишни ташкил этишда Европа Иттифоқи дипломатик ваколатхоналари томонидан қўллаб-кувватлашни таъминлаш ҳамда Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари ва мутахассислари билан ушбу соҳада ҳамкорлик қилиш’;
- Улгурчи савдо даражасида ва дори воситалари нархини дерегуляция жараёнини якунлаш бўйича таклиф киритиш;
- Интеллектуал мулк масалалари, шу жумладан параллел импорт ва маҳаллий маҳсулотларнинг савдо номларининг ўхшашлиги масалалари;
- Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун ишлаб чиқарувчилар Ўзбекистон давлат органлари томонидан фармацевтика текширувидан ўтиш заруратидан озод қилинган Европа давлатлари рўйхатини муҳокама қилиш;
- Суғурта тиббиётининг ривожланиши ва унинг келажақдаги имкониятлари;
- Қўмита ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорликнинг мустақил йўналишларини аниқлаш.

4. Якуний изоҳлар:

- Қўмита раисининг якуний сўзи